O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ушбу сонда:**

УСТОЗ НОМИГА ДОҒ 2

ОРИ БАЛАНД ОДАМЛАР 3

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

ҚАЙТА ТУҒИЛИШ БАХТМИ, ЖАЗО? 4

**MEZON:**

***Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:***
***товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;***
***товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;***
***товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;***
***ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;***
***бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;***
***истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.***

***Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.***

***"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА.***

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

**№ 40 (396)**
2004 йил
19 октябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

# ЮРТ УЧУН ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилди. Натижада барча соҳаларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Улар халқимиз салоҳияти, фидокора меҳнати ва фидойилигининг ёрқин намунасидир. Албатта, ютуқлар ҳақида кўп ва узоқ гапириш мумкин. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Чунки ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Қолаверса, умумий ишни ортга тортаётган, йўлимизда тўғаноқ бўлаётган турли хил камчилик ва нуқсонларни бартараф этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.***



Шу маънода ўтган ҳафтада бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилоятининг навбатдан ташқари сессиясини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган катта ҳодиса, дея баҳолаш мумкин. Халқимизда юзга айтганнинг заҳри йўқ, деган мақол бор. Шу боис ушбу сессияда барча камчилик ва нуқсонлар рўй-рост очиб ташланди. Президентимиз Ислом Каримов вилоятдаги вазият ва маънавий муҳитни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берди. Тан олиш керакки, ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Фарғонада кўпгина соҳалар, айниқса, қишлоқ хўжалигида бир қатор долзарб муаммолар йиғилиб қолиб, олдинга силжиш кузатилмаяпти.

Шу ўринда бунинг сабаблари нима, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Бу саволга жавобан шуни айтиш лозимки, бундай ҳолга аввало, вилоятда шунга бевосита масъул бўлган раҳбарлар айбдор. Нега деганда, ерга меҳр бериб, астойдил ишламаслик, ота-боболаримиздан қолган тажрибаларга эътибор қаратмаслик, янгиликка интилмаслик, зиммадаги масъулиятни унутиш, йўл қўйилган камчиликлардан ўз вақтида тўғри сабоқ чиқармаслик ана шундай нохуш вазиятни юзага келтирди. Лоқайдлик, ўзибўларчилик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, таниш-билишчиликка берилиш каби иллатларнинг авж олиб кетгани Фарғонада иш самарадорлигини пасайтириб, ижтимоий адолат ва қонун талабларининг бузилишига олиб келди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, ишнинг тўғри йўлга қўйилмагани натижасида биргина саноат соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари 13 тага, ишчилар сони эса 2 минг 200 кишига камайиб кетган.

Бундан ташқари, вилоятда кейинги пайтда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар қуришга етарли эътибор берилмаган. Бу эса вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига сабаб бўлган. Бундай ҳолатларни қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам кузатиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик унутилиб, ўзибўларчилик кайфиятига кенг йўл очилган. Агар мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилган ва иш тўғри ташкил этилган, муаммоларни ечишга одамлар сафарбар қилинган, халқ ва фаоллар кучига таянилганда эди, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги аниқ эди. Афсуски, мана шу оддий ҳақиқатни вилоятдаги айрим раҳбарлар унутиб қўйишган. Бу ҳақда фикр билдирган Юртбошимиз жумладан, шундай таъкидлади: ***"Тўрт-беш йиллаб, балки ундан ҳам кўпроқ ҳокимлик курсисида ўтириб, айрим раҳбарлар ўзининг ҳаётдан узилиб қолганини, ҳушёрлик ва масъулиятни йўқотиб қўйганини ўзи ҳам сезмайди.***

***Бундай раҳбарларга қарата одам баъзан шундай дегиси келади: эй инсон, бу лавозим сенга ота-бобонгдан мерос бўлиб қолгани йўқ. Бу лавозимда одамларнинг ҳурмат-эҳтиромини фақатгина қаттиқ меҳнат, ҳалоллик ва адолат туфайли қозониш ва шунинг ҳисобидан сақлаш мумкин. Ана шу ишонч ва ҳурматни йўқотдингми, одамларнинг эътиборидан қолдингми — раҳбар бўлиб, ҳоким бўлиб ишлашга ҳаққинг йўқ"***.

Кўриниб турганидек, раҳбар зиммасидаги масъулиятни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Чунки раҳбар шу юрт ҳаёти билан яшаб, халқ хурсандчилигию ташвишларини бирга баҳам кўриши, барча ишга ўзини жавобгар ва масъул деб билиши лозим. Ана шундагина у одамларни ортидан эргаштириб, уларни яратувчанлик ва бунёдкорликка бошлайди. Зотан, халқ шундай кучки, у бунёдкорликдан, буюк келажак йўлида хизмат қилишдан толмайди ҳам, тинмайди ҳам. Фақат унда ўз қудратига ишонч уйғотиш, буюк мақсадларга йўналтириш ва руҳлантириш, уни турфа ёлғон-яшиқдан асраш кифоя. Зотан, раҳбарларнинг нопок ишларни қўллаши халқнинг ташаббусини сўндиради, ишончини пучга чиқаради. Халқнинг оқланмаган ишончини эса ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бу ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Хуллас, эртасини ўйлаган ҳар бир инсон элим деб, юртим деб ёниб яшаши ва ишлаши керак. Бу ҳар бир юртдошимиздан фидойилик, ватанпарварлик, билим ва астойдил меҳнат қилишни тақозо этади. Ана шунда ҳар қандай қийинчилик ва синовлар ортда қолади ва халқимиз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришади.

# ТАДБИРКОРЛИК КАФОЛАТИ

**Tahlil**

***Янгибозор тумани кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режасини муттасил равишда бажаролмади. Ўтган йилдан эътиборан туман Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан фермерликка ихтисослаштирилди. Мулкий манфаатдорлик туман аҳлини омилкорликка ундади. Деҳқон-фермерлар асосий эътиборни ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишга, хўжалик бошқарувининг замонавий ва самарали усулларини ўзлаштиришга қаратди. Бунинг натижаси дастлабки йиллардаёқ яққол сезилди. Бу йил эса туман фермер-деҳқонлари пахта хомашёсини етказиб бериш, соҳа самарадорлигини ошириш борасида вилоятда олдинги ўринга чиқиб олди. Туманда пахта етиштириш юзасидан контрактация шартномасини имзолаган фермер хўжаликларининг деярли ҳаммаси мажбуриятини уддалади.***

Бунга илгари қишлоқ тадбиркорлик субъектлари олдидаги бурч ва мажбуриятларини қониқарсиз бажариб келган вилоят муқобил "Машина трактор парки" акциядорлик жамияти, "Хоразмпилла", "Хоразмдон", "Хоразмпахтасаноатсотиш" бирлашмаларининг ишни сезиларли даражада ўнглаб олгани ҳам сабаб бўлди. Ҳозир мазкур ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида кўп йилларга чўзилиб келган қарздорлик ҳолати бутунлай тугатилди. Бундан ташқари, "Қишлоқхўжаликкимё" ва "Нефт маҳсулотлари" корхоналари ҳам ишда кескин бурилиш ясашга эришди.

Шу билан бирга бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Буни адлия идоралари томонидан ўтказилаётган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузарликлар яққол тасдиқлайди. Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, жорий йил давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан қиймати 99 миллиард сўмдан иборат бўлган 33 минг 31 та шартномавий ҳужжатнинг қонунийлик даражаси ўрганиб чиқилди. Натижада қиймати 18,6 миллиард сўмга тенг бўлган 7942 та шартнома ҳужжати қонун талабларига мос ҳолда расмийлаштирилмагани маълум бўлди. Турли сўровлар, масалалар, ариза ва шикоятларни ўз ичига олган текширувлар натижасида эса 9436 та қонунбузилиш ҳолати қайд этилган.

Вилоят адлия бошқармаси биргина шартномавий муносабатлар масаласида тегишли идора ва ташкилотларга 99 та тақдимнома билан мурожаат қилиб, фуқаролар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон-фермер хўжаликлари, пудратчи ва ижарачилар манфаатларига зиён етказган масъул ва мансабдор шахсларни жазога тортиш, аниқланган камчилик ва нуқсонларга чек қўйишни қатъий талаб қилди. Бунда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг асосий қисми бошқарув, хизмат кўрсатиш, таъминот идоралари, хомашёни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхоналари фаолиятига тўғри келаётгани ачинарли ҳолдир ва ушбу маҳкамаларнинг мутасаддилари аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари учун шахсан жавобгар эканликларини эслатиш лозим. Бинобарин, қонун беписандликни кечирмайди. Тақдимномаларга асосан 83 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилгани, улардан 3 нафари ишдан бўшатилгани, 75 нафар кишига нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилгани, 3 нафар амалдорни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи тергов маҳкамаси ҳукмига ҳавола этилгани фикримиз далилидир.

Бу йил Боғот туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалигидан 24 нафар, Питнак шаҳри тасарруфидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан 63 нафар, Шовот туманидаги Махтумқули номидаги ширкат хўжалигидан 81 нафар, Хонқа туманидаги "Ғалаба" ширкат хўжалигидан 38 нафар, шу тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан 14 нафар, Гурлан туманидаги "Намуна" ширкат хўжалигидан 94 нафар, Янгиариқ туманидаги "Наврўз" ширкат хўжалигидан 15 нафар пудратчининг узоқ вақтлар мобайнида тўланмай келган қонуний иш ҳақи суд йўли билан ундириб берилди.

***(Давоми иккинчи бетда)***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ**

**2004 йил 24 сентябр** *112* **- сонли** **Тошкент шаҳри**

# ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Жиноят-процессуал қонунининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий принципи — айбсизлик презумпциясига кўра шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.***

***Ҳукм фақат қонунда белгиланган тартибда тўпланган далилларга асосланган бўлиши лозим. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш ва уни судда кўриш даврида жиноят-процессуал қонунининг далиллар ва исбот қилишга оид нормаларига асосан риоя этилмоқда.***

***Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳоллари барҳам топмаган.***

***Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қ а р о р қ и л а д и:***

1. Тушунтирилсинки, ЖПК 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

2. Суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутади.

Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар:

далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Судларга тушунтирилсинки, далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

3. Далиллар, жумладан, қуйидаги ҳолларда номақбул деб топилади, агар:

1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

***(Давоми иккинчи бетда)***

**Bugunning gapi**

***Инсон бир ишга астойдил меҳр қўйиб, изланиб ишласа, ниятига етиб, барака топаверар экан. Агар ҳар нарсадан бир қийиқ ахтариб, баҳона қидирса, ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Бу фалсафанинг моҳияти-ю исботини избосканлик тадбиркор Собиржон Абдураҳимов тақдирида яққол кўрсиш мумкин.***

# ҲАЛОЛЛИК –ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Юртбошимизнинг **"Мустақиллик— бу ҳуқуқ демакдир"**, деган гаплари Собиржонга қаттиқ таъсир қилди. Бу ҳуқуқдан қандай фойдаланаяпман, деган ўй унга тинчлик бермасди.

Истиқлол меваси бўлган энг катта ҳуқуқ—бу хусусий мулк эгаси бўлиш эди. Ана шу ҳуқуқдан фойдаланган Собиржон тадбиркорлик билан хусусий мулк эгаси бўлиш мақсадида 1996 йил "Лочин" ишлаб чиқариш хусусий фирмасини ташкил этди. Атрофига ўзига ўхшаган қўли гул уста дурадгорларни тўплади. Улар турли мебеллар—стол-стул, ўқувчилар партаси, шкаф, шифонер, сервантлар ишлаб чиқариша бошлашди. Орадан кўп ўтмай, Собиржон топилган даромадлар эвазига ёғочни қайта ишлаш цехини сотиб олди.

Шундай қилиб, Собиржон оддий ўқитувчиликдан хусусий корхона эгасига айланди.

Эндиликда "Лочин"да ишлаб чиқарилган мебеллар бозорни тўлдириш билан бирга турли шифохоналар, мактабларда болалару ўқувчиларга хизмат қиляпти. Шу билан бирга 50-60 та ишчи ўрни яратилди.

— Мен фирма ташкил бўлгандан буён шу ерда ишлаб келаман, — дейди уста дурадгор Фозилжон Йўлдошев, — яратилган шароит яхши, хомашё узилмайди. Энг муҳими, моддий манфаатдорлик чакки эмас — ойига ўртача 40-50 минг сўмдан маош оламиз. Шунинг учун ишхонага меҳр қўйганмиз.

Бирники мингга, мингники туманга, деганлари шу бўлса керак-да. Бир кишининг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги кўпчиликка фойда келтиряпти. Ўтган йил давомида фирма томонидан 100 миллион сўмлик иш бажарилди. Аҳолиси ўта зич Тўрткўл қишлоғи учун қуриб битказилган замонавий врачлик пункти бино фирма усталари томонидан барпо этилди.

Собиржон етакчилигида фирма усталари изланиб ишлашдан, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан, маҳсулот сифатини яхшилаш учун интилишдан чарчашмаяпти. Натижада маҳсулот сифати сертификатланди, иккинчидан, "Ташаббус—2004" кўрик-танловининг вилоят босқичида фирма **"Энг самарали лойиҳалар ва янги технологиялар учун"** номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

— Фирмамизнинг шиори — **«Сифатли маҳсулот билан олдинга интилиш»**, — дейди Собиржоннинг ўзи, — шунинг учун бу йилги ишлаб чиқариш айланмасини 500 миллион сўмга етказиш, ижтимоий ҳимоя ва саховат, меҳр-мурувват ишларига сарфланаётган маблағни эса 500 минг сўмдан оширамиз.

Хусусий тадбиркор Собиржон Абдураҳимов билан суҳбатимиз давомида унинг айрим тадбиркорларга ўхшаб бирор нарсадан нолиганини, ҳасрат қилганини эшитмадим.

— Нолиган одам тадбиркор бўлмайди. Ахир, юртбошимиз, мустақил давлатимиз қонунлари хусусий мулк эгаларини, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб турса, анча-мунча тўсиқлар бизга ҳалақит беролмайди. Ҳамма гап ўзимизнинг тадбиркорлигимизда, асли иш яхши бўлса, бараканинг ўзи келаверади,— дейди Собиржон.— Бунинг устига қонунни ҳам аслида ўзингиз бузмасангиз, ҳуқуқингиздан фойдаланиб бурчингизни унутмасангиз, ҳамиша юзингиз ёруғ бўлаверади. Тадбиркорлик ҳалолликни, дили покликни, қўли тозаликни ёқтиради. Фойдани кўрсангиз-у, солиққа келганда ғирромлик қилсангиз, албатта, бирингиз икки бўлмайди.

Бу Собиржоннинг шахсий фикри, юрак тубидаги эътиқоди. Бизнингча, бу фикрга қўшилган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИК КАФОЛАТИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда.)*

Бу ишни суд ёки адлия тизимининг аралашувисиз ҳам оқилона тарзда ҳал этиш имкони мавжуд эди, албатта. Бироқ зиммадаги бурч ва мажбуриятларга, уни адо этиш йўлидаги мавжуд имкониятларга панжа орасидан қаралди.- Натижада оддийгина тарзда ечим топиши мумкин бўлган масала қонун таъсирида ҳал этилди. Бунинг айбдори хўжалик раҳбари ёки идора хизматчиси эканлиги ўз-ўзидан аён. Таъкидланганидек, қонун ўз вазифасига эътиборсизлик ҳолатларини кечирмайди. Йил бошидан буён ижарачи ва пудратчилар, тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб, судларга 777 та даъво аризаси киритилди. Бунинг замирида айрим масъул ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ётганлигини илғаб олиш қийин эмас. Қўшкўпир туманидаги М.Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги раҳбарларининг айби билан содир бўлган ва адлия-суд тизимининг аралашуви туфайли қонуний ечим топган воқеа бошқалар учун ҳам яхшигина сабоқ бўлиши лозим. Гап шундаки, хўжалик раҳбарлари ўтган йили ижарачи ва пудратчиларга деҳқончилик учун зарур имконият ва шарт-шароит яратиб бериш бўйича зиммага олган шартномавий мажбуриятларини тўлиқ адо этмади. Бунинг оқибатида 289 нафар оилавий пудратчи ўз шартномавий режасини бажаролмади. Хўжалик раҳбарлари эса айбни пудратчиларга тўнкаб, уларга жами 1,3 миллион сўм миқдорида жарима солишди. Ушбу масала суд ҳукмига ҳавола этилди. Даъво суд мажлисида асосли деб топилди ва ноқонуний ундирилган жарима эгаларига қайтарилди.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларидан ҳам ўринли хулоса чиқармоқ зарур. Бинобарин, фуқароларнинг мурожаатлари айрим мутасаддилар таъкидлашаётгани сингари ҳар доим ҳам ноўрин ва асоссиз эмас. Вилоят адлия бошқармаси ушбу йил бошидан буён жами 454 та аризани ўрганиб чиқди. Шундан 80 та ариза рад этилган бўлса, қолганлари эса тамомила асосли деб топилди. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳукмрон жойга ноҳақлик, ҳаром-хариш асло йўламаслиги керак. Афсуски, ушбу пок ҳаракатдан ғараз мақсадларда фойдаланувчилар ҳам учраб туради. Бирнинг касри ўнга дегандай, тадбиркорлик даргоҳига тасодифан кириб қолган баъзи кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати элда ишбилармонликка нисбатан ишончсизликни, шубҳа-гумон вазиятини юзага келтириши ҳам ҳеч гап эмас. Шу ўринда айрим мансаб эгаларининг номуносиб қилмишидан нечоғлик ранжимайлик, орамизда ўз номига доғ тушираётган сохта тадбиркорлар борлигини ҳам очиқ тан олмоғимиз лозим. Бунга "Хоразмдон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти раҳбарининг имзоси билан олинган шикоят хати ва унга илова этилган ҳужжатлар яққол мисол бўла олади. Адлия бошқармаси мазкур ариза юзасидан суриштирув ўтказганида шикоят асосли экани аён бўлди. Аниқланишича, вилоятнинг Урганч, Гурлан, Янгибозор ва Қўшкўпир туманларида фаолият кўрсатаётган 14 та фермер хўжалиги 2004 йили "Хоразмдон маҳсулотлари" корхоналарига 2 миллион 226 минг 500 сўмлик ғалла топшириш юзасидан контрактация шартномасида аксини топган мажбуриятини узрсиз ва сабабсиз барбод этишган. Шу тариқа бўлажак ҳосил учун олдиндан тўланган салкам 2,5 миллион сўмлик маблағ қопланмай қолган. Етказиб берилмаган ғалла миқдори эса шартномадаги 208,7 тонна ўрнига атиги 35,5 тоннани ташкил этган. Масала судда кўрилганда жавобгарлар мажбурият бажарилмагани учун бирон-бир узрли сабаб кўрсатишолмади. Натижа шу бўлдики, хўжалик суди акциядорлик жамияти фойдасига Урганч туманидаги "Ҳурмат-Иззат", "Музаффар" фермер хўжаликларидан 411,3 минг сўм, Гурлан туманидаги "Дарға", "Манфаатдор", "Илғор", "Қўзибой-қиёт" фермер хўжаликларидан 545,2 минг сўм, Янгибозор туманидаги "Достон-А". "Анварбек", "Гулшан", "Саъдулла ота" фермер хўжаликларидан 951,1 минг сўм, Қўшкўпир туманидаги "Оқжой", "Ривож", "Ших-Жаббор", Матёқуб Юсупов номидаги фермер хўжаликларидан 418,9 минг сўм пул ундириш, шу йўл билан аллақачон харжлаб юборилган бўнак (кредит) маблағини қоплаш мажбуриятини юклади. Ҳозир шундай мазмундаги яна 6 та ариза судда кўриб чиқиляпти.

Хулоса ўрнида айтсак, давлат, жамият ва барча фуқароларнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини бирдай муҳофаза қилиш юртимизда ҳаётий эхтиёжга айланмоқда. Бунга руҳан ҳозирланмоқ, чиниқмоқ, кўникмоқ ва қонун-қоидаларини бажо келтиришга шайланмоқ эса ҳар бир юртдошимизнинг асосий вазифасидир.

**Одилбек КАРИМОВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

Tahlil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ**

**2004 йил 24 сентябр** *112* **- сонли** **Тошкент шаҳри**

# ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми. Боши биринчи бетда.)***

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:

а) прокурорнинг санкцияси олиниши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши;

г) эксперт хулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олиниши;

д) ҳимоячининг, иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олиниши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПК 116-моддаси талабларига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши;

4) далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган бўлса:

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

тергов ва суд бошланган ва тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги;

ЖПК 90-93-моддаларида назарда тутилган бошқа талабларнинг бажарилмаганлиги.

Жиноят-процессуал қонуни талаблари бузилган тарзда олинган бошқа ҳолларда ҳам далиллар номақбул деб топилиши мумкин.

4. Тергов органлари ва судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни холислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса, терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса).

Шу билан бирга, номақбул деб топилган айрим далилларни, уларнинг юридик табиатига кўра, тиклашнинг имконияти йўқ (масалан, қонунга мувофиқ розилиги олиниши шарт бўлган ҳолларда жабрланувчини, гувоҳни унинг розилигини олмай туриб такроран сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун такроран кўрсатиш ва ҳ.к.). Бу эса, исбот қилувчи субъектни муайян ҳолатни тасдиқловчи восита сифатида мазкур далилга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.

5. Тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан, айблов хулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас.

Номақбул деб топилган далилларни тиклашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак.

6. Қонун бузилиши оқибатида олинган далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан номақбул деб топилиши мумкин.

Далилни номақбул деб топиш масаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар томонидан қўйилиши мумкин.

7. Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади.

8. Судларга тушунтирилсинки, ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

9. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб бориш, шунингдек, суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонунининг исбот қилишнинг умумий шартларига оид талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, зарур ҳолларда эса, Жиноят кодексининг мансабдорлик жиноятлари ёки одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **Ф. МУҲИТДИНОВА**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** **Х. ҲАСАНОВ**

Muloqot

# ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

***САВОЛ:** Укам турмуш ўртоғи билан тез-тез жанжаллашиб турар эди. Ана шундай жанжалларнинг бирида келинимиз ўзига ҳамда укамга тегишли бўлган буюмларнинг барчасини олиб, ота-онасиникига кетиб қолди. Ўртада икки нафар фарзанд борлигини ҳисобга олиб, биз уларни яраштириш учун анча уриндик, аммо натижа бўлмади. Чунки укам ҳам, унинг хотини ҳам келгусида биргаликда яшамоқчи эмас. Бу воқеага ҳам салкам бир йил бўлиб қолди. Укам менга ҳеч нарса керак эмас, фақат боламни берса бас, дейди. Келинимиз эса болаларни бермоқчи эмас. Тегишли жойларга шу масала хусусида учрашганимизда, болаларнинг ҳам ихтиёри инобатга олинади, дейишди. Хўш, болалар неча ёшдан сўнг ота ёки онада қолишни танлаш ҳуқуқига эга бўлади?*

***С.ЛАТИПОВА***
***Нуробод тумани***

**ЖАВОБ:** Маълумки, Оила кодексининг 68-моддасида боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилган бўлиб, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда у ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Дарҳақиқат, вояга етмаган ҳар қандай бола ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрини тўғри ифода этиш имкониятига эга бўлавермайди ва унинг фикри бўйича ҳал қилинадиган масалаларнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳамма вақт ҳам тўғри баҳо бера олмайди. Айниқса, никоҳ бекор қилинганда боланинг ким билан қолиши, унинг яшаш жойи суд томонидан белгиланади. Чунки спиртли ичимликни истеъмол қилувчи ота (она) билан ёки болага моддий, маънавий жиҳатдан тарбия бериш имкониятига эга бўлган ота (она) билан яшаши мақсадга мувофиқлиги, вояга етмаган боланинг хоҳишидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик идораси ҳамда суд томонидан ҳал қилинади. Аммо бундай ҳолларда қандай сабабларга кўра боланинг фикри, хоҳиши ҳисобга олинмагани ҳар томонлама асослантирилган бўлиши ва бунга боланинг ўзи иқрор бўлиши талаб қилинади.

Оила кодексининг 44-моддасининг 3-қисми талаби бўйича, суд никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши лозим.

Бола вояга етгач, яъни 18 ёшдан сўнг ким билан яшашини ўзи танлайди.

***САВОЛ:** Мен "Машҳура" фирмасидаги тикувчилик, сартарошлик ҳамда пишириқлар тайёрлаш курсларида ўқиб, диплом олдим. Энди мустақил равишда ўзим маиший хизмат шаҳобчасини очмоқчиман. Бунинг учун қаерга учрашишим ва қандай ҳужжатлар тайёрлашим лозим бўлади?*

***Л.РАҲМОНОВА***
***Андижон вилояти***

**ЖАВОБ:** Фуқаролик кодексига мувофиқ маиший хизмат шаҳобчасини очиш учун биринчи навбатда туман ҳокимлигига мурожаат этасиз ва ўша ердан керак бўладиган ҳужжатлар ҳақида маълумот оласиз. Ҳокимлик сизга якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тўғрисида қарор чиқариб беради.

Сиз **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ **якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритишингиз мумкин. Ушбу моддага биноан "якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.** Жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилганлик йиғимлари тўлангани тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этгандан кейин унга аризасидан кўрсатилган муддатга якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтказилганлик йиғими банк муассасалари ёки аҳолидан тўловларни қабул қилувчи бошқа кредит ташкилотлари орқали тўланади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**



# УСТОЗ НОМИГА ДОҒ

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

**I. ОЗ. ЛЕКИН БИТТАСИ ҲАМ КЎП**

Албатта, ҳар биримизнинг бизга сабоқ берган ўқитувчи, устозларга ҳурматимиз чексиз. Халқимиз уларни ниҳоятда қадрлайди, алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Тўғри-да, халқимиз азал-азалдан фарзандга сабоқ берган, касб-ҳунар ўргатган устозни отадек улуғлаган. Аввал ҳам давранинг турига устозни ўтказишган, ҳозир ҳам уйнинг, тўйнинг давранинг тўри устозга, ўқитувчига.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, устоз ва мураббийлар ардоқ топди. Ҳар йили 1 октябрда устоз ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу муҳтарам ўқитувчига, уларнинг хизматига ҳукуматимизнинг бениҳоя катта ғамхўрлиги. Ўқитувчи-устозлар ҳукуматимиз томонидан ўзига кўрсатилган ғамхўрлик, имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг бўлғуси кадрларини ҳалол, меҳнатсевар, илмли, Ватан ва халққа фидойи қилиб тарбиялашга астойдил куч-ғайрат сарфламоғи керак.

Аммо ўқитувчи қилдан қийиқ ахтариб, талабага нисбатан таъмагирлик, фирибгарлик, товламачилик қилса-чи? Бундай ўқитувчидан сизу биз, ватанимиз кутаётган келгуси кадр нимани ўрганади? Тўғри, бундай ўқитувчилар жуда оз. Лекин оз бўлса-да, бундай кимсаларнинг биттаси ҳам кўп.

**II. ПЎПИСА**

Тўра Чориев Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институтида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш фани бўйича талабаларга сабоқ беради. Ҳали қирқ ёшга кириб улгурмаган, белида қуввати, кўзида нури бор домласи тушмагур ҳар нарсани баҳона қилиб, эвазига талабалардан пул ундириш йўлига кирди.

Шу йилнинг январ ойи кунларидан бирида Т.Чориев институтнинг муҳандис-техника факультети учинчи босқич талабаларига дарсга кирганди. Аммо шу гуруҳга ўқийдиган икки талаба — Қаҳрамон Иброҳимов билан Жасур Назаров нимадир сабаб бўлиб дарсга кечикиб келишади. Т.Чориевга бу яхши баҳона бўлади. У Қаҳрамон билан Жасурни алоҳида-алоҳида четга чақириб, "дарсга қатнашмагансан, ёзги синовга баҳо қўйиб бермайман, ўқишдан ҳайдаласан," дея пўписа қилади. Кейин уларнинг ҳар биридан ўттиз минг сўмдан пул талаб қилади. Талабалар домла айтган пулни берамиз дейишгач, дарсга киритади.

Эътибор қилган бўлсангиз, Қаҳрамон билан Жасурнинг дарсга кечикиб киргани январ ойида эди. Бироқ домла ҳар дарсда четга чиқариб, икки талабадан ўттиз минг сўмдан олтмиш минг сўм беришларини талаб қилаверади. Қаҳрамон Иброҳимовнинг судда кўрсатма беришича, у институтда (тўлов) шартнома асосида ўқийди. Оила аъзолари унинг ўқиши учун анча-мунча чиқимдор бўлишади. Талабанинг кундалик харажатлари-чи? Домла Т.Чориев эса дарсга бир марта кечикиб кирганни учун ёзги синов баҳосини қўймаслиги, институтдан ҳайдалиб кетишини айтиб пўписа қилаверади.

Шундан сўнг Қаҳрамон Жасурга домлага иккаласи олтмиш минг сўм пул бермаса, бўлмаслигини эслатади. Жасур ўртоғига "Сен иккаламиз учун бер, мен сенга кейин қайтараман", дейди. Қаҳрамоннинг эса қонунни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмайди. Шу йилнинг 28 апрел куни Тўра Чориев талаба Қ.Иброҳимовдан эллик минг сўм пул оладиган бўлди. У тўртинчи босқич талабаси Ж.Файзиевни ҳузурига чақириб, "Қаҳрамондан эллик минг сўм олгин-да, бозорга бориб бошқа пулга алмаштириб кел", деб топшириқ беради. Жўрахон нима учун Қаҳрамон домлага пул бераётганидан хабарсиз эди. Т.Чориевнинг таъмагирлиги шу тарзда ойдинлашди...

**III. БЕМАВРИД ФИРИБ**

Қарши давлат университетининг хорижий тиллар факультети тўртинчи босқич талабаси Зафар Фармонов имтиҳонларни топшириш чоғида факультет лексика грамматика кафедраси мудири Р.Қиёмов ўтадиган инглиз тили тарихи, антик ва классик тилшунослик фанларидан қарздор бўлиб қолади. Талаба З.Фармонов Р.Қиёмовга учрашганда, домла "тайёрланиб кел, баҳонгни қўйиб бераман", дейди. Кейин кафедра ўқитувчиларидан комиссия тузилиб, Р.Қиёмов улар иштирокида қарздор талабадан ёзма имтиҳон олади. Бахтга қарши З.Фармонов имтиҳонларни топширолмайди. Имтиҳон комиссияси аъзолари маслаҳатлашиб, унга "2" баҳо қўйишади.

Шу йилнинг 30 январ куни З.Фармонов Р.Қиёмовнинг хизмат хонаси эшиги олдида турган эди. Шу пайт кафедра ўқитувчиси Саитқул Сафаров уни четга имлайди. "Беш юз минг сўм олиб келсанг, Р.Қиёмов билан гаплашиб, баҳоларингни қўйдириб бераман", дея ёрдам қўлини чўзишини билдиради. Талаба З.Фармонов университетнинг дарвозаси яқинидаги "Гулнора" савдо дўконининг биринчи қаватида домла С.Сафаровга 395 минг сўмни беради. Худди шу пайтда фирибгар қўлга олинади.

Аслида Саитқул Сафаровнинг Р.Қиёмовга пулларни бериб, Зафар Фармоновга имтиҳон баҳоларини қўйдириб бериш нияти йўқ эди. Чунки С.Сафаров фирибгарлик йўли билан талабадан пул олган. 9 феврал куни З.Фармонов университет ректорининг буйруғи билан талабалар сафидан чиқарилганига етти кун бўлганди.

Mulohaza va tahlil

**IV. ЖАЗО**

Республика Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **"Пораҳўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг 1-банди 1-хатбошисида **"Пора олганлик учун жиноий жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортилиши тушунтирилсин"**, дейилган. Шундан кўриниб турибдики, судланувчи Т.Чориев ва С.Сафаров ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатига эга мансабдор шахс эмас. Бу улар жазодан қутулиб қолади, деган маънони ҳам англатмайди.

Судланувчи Тўра Чориев Жиноят кодексининг 214-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилиб, уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Унга икки йил муддатга олий ўқув юртларида ва коллежларда ўқитувчи вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланди.

Суд судланувчи Саитқул Сафаровни Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми ва 28-211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айблаб, жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан бир йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Қонунларимиз адолат тамойилларига асосланган. Ҳар икки тарбияга муҳтож тарбиячи қилмишларига яраша жазо олишди. Энг ёмони, улар шармандалик ботқоғига ботишди. Эл-юрт олдида юзи шувут бўлди. Ўзини англаган кишига бундан оғир жазо йўқ.

**Рустам ҚЎШОҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Shartnoma qonunchiligi

# ЭСКИ МАҚОЛ ТАЛҚИНИ

Халқимизнинг "қўлинг билан берганингни, оёғинг билан югуриб оласан", деган мақоли қадимдан қолган. Лекин бу ҳикмат бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Наманганлик тадбиркор Қодирхон Ортиқов бошидан кечирган воқеалар ҳам бу фикрни исботлайди.

Хўш, тадбиркорлар қандай воқеаларни бошидан кечирган дейсизми?

Унда қулоқ тутинг: Шу йил 1 феврал куни тадбиркор Мингбулоқ савдо ишлаб чиқариш базаси билан 5-сонли шартномага имзо чекади. Мазкур шартномага асосан у жорий йилнинг 19 май куни 16-сонли ҳамда 24 май куни эса 17-сонли ҳисоб варақа фактураси орқали Мингбулоқ савдо ишлаб чиқариш базасига 502800 сўмлик гўшт маҳсулотларини етказиб беради. Бироқ Мингбулоқ савдо ишлаб чиқариш базасининг шоввозлари юқорида келтирилган мақолни тадбиркор Қ.Ортиқовга яна бир марта эслатиб қўйишди. Аниқроқ айтганда, харидорлар олинган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишмади. Улар Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли ҳамда 1999 йил 19 июлдаги 2340-сонли Фармонлари талабларига зид тарзда иш юритди. Мазкур Фармонга кўра, олинган маҳсулот қиймати 90 кун ичида ҳисоб-китоб қилиниши керак. Хусусий тадбиркор Қодирхон Ортиқов ўз ҳақини ундириш учун Намангандан Жамашуй шаҳрига роппа-роса 180 кундан ортиқ қатнади. Бироқ ўз қўли билан топширган маҳсулотининг қийматини ундира олмади. Шундан кейин томонлар ўртасида солиштирма далолатнома тузилди. Мазкур далолатномада Мингбулоқ савдо ишлаб чиқариш базаси тадбиркордан 502800 сўм қарздор экани яна бир бор ўз аксини топди.

Икки тарафлама имзоланган 5-сонли шартноманинг 6.5. банди ҳамда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 32-моддасида шартнома мажбуриятларини бузилгани учун тўлов кечиктирилган ҳар бир кунига 04 фоиз устама тўлаши лозимлиги қайд этилган. Демак, Мингбулоқ савдо ишлаб чиқариш базаси жорий йилнинг май ойидан 1 октябр ойига қадар, яъни 180 кун давомида зиммасидаги қарзини тўлашдан бўйин товлаган. Ҳужжатларда қайд этилган асосий қарзнинг 50 фоизидан ошмаган миқдори 251400 сўмни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Фуқаролик кодексининг 234-238-324-моддаларга асосан Наманган вилоят адлия бошқармаси тадбиркор Қ. Ортиқовнинг манфаатини кўзлаб Наманган вилояти хўжалик судига даъво аризасини киритди.

Хулоса ўрнида айтганда, тадбиркор Қодирхон Ортиқов қўли билан берган маҳсулотнинг қийматини суд орқали ундириб оладиган бўлди. Бу кимга фойда, кимга зиён келтиришни эса вақт кўрсатади.

**Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Dakki

# ЗАРАР УНДИРИЛДИ, АММО...

***Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасида юртимизда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Шу билан бирга бу борада айрим қонунбузилиши ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, буни бебаҳо бойлик саналган ердан фойдаланиш мисолида кўриш мумкин.***

Масалан, Пахтачи туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Мустафо бобо", "Чинора", "Баракат", "Гулбаҳор", "Ситора", "Тоҳир-Х", "Насиба" каби фермер хўжаликлари пахта экинлари ўрнига шоли, арпа, буғдой картошка ва бошқа сабзавот экинларини экиб, шартнома шартларини қўпол равишда бузишган. Қонунбузилишини юзага келтирган шарт-шароитни бартараф қилиш юзасидан туман прокуратураси томонидан вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигига, туман ер ресурслари хизмати бўлими ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдимномалар киритилди. Бундан ташқари, туманда деҳқон таянчи бўлган техникалардан, шунингдек, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғилардан фойдаланиш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Яқинда Ш. Назаров номидаги ширкат хўжалигида техникаларни сақлашга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишда хўжаликнинг собиқ таъминотчиси Зиёдулла Абдурасулов ўз жавобгарлигидаги қишлоқ хўжалиги техникалари эҳтиёт қисмларини талон-тарож қилиб, 883 минг 340 сўм камомадга йўл қўйгани аниқланди. Зиёдулла Абдурасуловга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисм "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, келтирилган зарар тўлиқ ундириб олинди.

Шу тумандаги Т.Кенжаев номидаги ширкат хўжалиги омбор мудири Обиджон Эшдавлатов дизел ёқилғисидан 1681 литр, дизел мойидан 730 литр, «И 20А» русумли мойдан 2256 литр — жами 690900 сўм миқдорида камомадга йўл қўйган. Ушбу ҳолат юзасида О.Эшдавлатовга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисм "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, "Оқтепа" ширкат хўжалиги ёқилғи мойлаш материаллари омбор мудири Хайрулла Ёрқулов жавобгарлигидаги нефт маҳсулотларидан ҳам 138034 сўмлик камомад борлиги аниқланди.

Бундай камчиликлар чорвачилик соҳасида ҳам учрайди.

Ш.Назаров номидаги ширкат хўжалиги фермаси мудири Ориф Жонхўрозов ҳам ўзининг жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликларни талон-тарож қилиб, 2 миллион 925 минг 200 сўм камомадга йўл қўйган. У ҳам яқинда қилмишига яраша жазо олди. А.Аллаёров номидаги ширкат хўжалигининг қўйчилик фирмаси мудири Х.Жўраев чорва молларини парваришлаш, ветеринария кўригидан ўтказиш чора-тадбирлари кўрмасдан ўз ишига совуққонлик билан қараган. Бунинг оқибатида давлатга 137661 сўм миқдорида зарар етган.

Айни кезларда мазкур йўналишларда ўтказилган текширишлар натижасига кўра фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига 6 та даъво аризаси киритилиб, 3 нафар айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу каби хатоликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб борилаётгани яхши самара бермоқда. Зеро, қонунларни яхши билган ва унга риоя қилган киши ҳеч қачон хатоликка йўл қўймайди.

**Ислом ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Talab, taklif, mulohaza

# ҚОНУН МУКАММАЛЛИГИ

## У ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланитириш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Бунга рўйхатдан ўтиш жараёнининг соддалаштирилгани, рўйхатга олиш инспекцияларининг ташкил этилгани, текшириш ва кредит олиш масалалари қатъий тартибга солингани ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин.***

Илгарилари рўйхатдан ўтиш жараёни 30 кунни ташкил этар, шундан сўнг тадбиркорлик субъекти солиқ ва статистика идораларида ҳисобда туриши, ички ишлар идораларидан муҳр-штамп ясатишга рухсат олиши лозим эди. Бу тартиб ҳам корхонадан камида 10 кун вақт талаб қилар эди.

Ҳозирги пайтда рўйхатга олиш жараёни соддалаштирилди. Энди рўйхатга олиш инспекциялари (аввалги рўйхатга олиш бўлими) тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш билан шуғулланиб қолмай, тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан, муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия, сув, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ваколатли идоралар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни ҳам амалга ошириши лозим. Рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш ҳақида қарор 3 кун ичида қабул қилиниб, тадбиркорлик субъектининг рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермеҳнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланди.

Худди шундай ҳолатни солиқ тизими мисолида ҳам кўриш мумкин. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи 1998 йилда 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 26 фоизни, 2004 йилда эса бу солиқ 18 фоизни ташкил этди.

Ягона таъсисчи томонидан ташкил этилган корхонанинг мулкдоридан солиқ ундириш яқин йилларгача муаммо бўлиб келмокда эди. **“Хусусий корхона тўғрисида”**ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу масалага ҳам ойдинлик киритди. Ушбу қонуннинг 24-моддасида хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтиши ҳамда унга солиқ солинмаслиги белгиланган. Илгари эса бу даромаддан 15 фоиз даромад солиғи ундирилиши лозим эди.

Шу ўринда ҳисобот топшириш тартиби ҳам соддалаштирилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кичик корхоналар ва микрофирмалар илгари молия ҳамда статистика ҳисоботларни ҳар чоракда топширган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг **“Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 2002 йил 25 июндаги қарори билан йилда бир маротаба ҳисобот топшириши белгиланди. Қолаверса, текширишларнинг мувофиқлаштирилгани ва уларнинг кескин қисқартирилгани, **“Текширишларни рўйхатга олиш китоби”**нинг жорий этилганлиги тадбиркорларнинг бу борадаги муаммоларини енгиллаштириб, уларнинг ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли шарт-шароит яратди.

Амалиёт ва хориж тажрибасини ўрганиш шу кўрсатадики, бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга имкон бор. Бундан ташқари тараққиёт давом этаркан, шунга монанд қонунлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, такомиллашиб бораверади. Шундан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдиришни лозим топдик.

Жумладан, давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини янада қисқартириш мумкин. Амалдаги тартиб бўйича рўйхатга олувчи идора 3 кун ичида рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилгач, ички ишлар идораларидан муҳр-штамп ясатишга рухсатнома олиб бериши лозим. Ички ишлар идоралари эса 2 кун муддат ичида тегишли рухсатномани расмийлаштириб рўйхатга олувчи идорага бериши керак. Европа Иттифоқи мамлакатларининг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда муҳр-штапм ясатишга рухсатнома олиш тизими мавжуд эмас. Бу масала рўйхатга олувчи идорада “Имзо ҳуқуқи” ҳақида маълумот юритилиши орқали ҳал этилган. Бу ерда таъсисчилар корхона раҳбарини ўзгартирганида бу ҳақда рўйхатга олувчи идорага маълумот тақдим этиб боради. Агар ушбу тартиб бизда ҳам жорий этилса, рўйхатга олиш муддати қисқаради ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тижорат муносабатларини оширишда кафолат пайдо бўлади. Шунингдек, агар муҳр-штапм ясатишга рухсатнома тизимини сақлаш зарурияти бўлса, эскиз намуналарига риоя қилиш шарти билан рухсатномани рўйхатга олувчи идорага бериш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка асосан рўйхатга олувчи юридик шахсга солиқ ва статистика идоралари махсус рақамлар беради. Аниқроқ айтганда, юридик шахс бир-биридан фарқ қиладиган 3 та идентификация рақамига эга бўлади. Айнан бу масалада Франция, Швеция, Португалия ва Дания давлатларида ягона идентификация рақами йўлга қўйилган. Бу юридик шахсга барча муносабатларда бир рақам билан иштирок этиши ҳамда рўйхатга олиш муддатини қисқартиришга шароит яратади.

Солиқ идораларида ҳисобот тизими такомиллаштирилган бўлишига қарамай тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб (расчет) тақдим этиш муддати муаммо туғдирмокда. Жумладан, мавсумий экин экиш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ҳар ойда пенсия жамғармасига ажратмалар бўйича ҳисоб тақдим этиши лозим. Айрим ҳолларда фермер хўжалиги раҳбари ёки ҳисобчиси 30-40 километр йўл юриб келиши керак бўлади. Бу фермер хўжалиги учун ортиқча харажат ва вақт демакдир. Бу соҳадаги муаммонинг олдини олиш учун тўлов миқдорига қараб ҳисоб (расчет) топширишни йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, тўлов миқдори энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан ошган солиқ тўловчилар ҳар ой ҳисоб (расчет) топшириб бориши мумкин. Бу усул тадбиркорлик субъекти учун ҳар томонлама фойдалидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш соҳа тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Шу боис ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур.

**Бахтиёр АМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquq va burch

# ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

## У НЕГА БЕКОР ҚИЛИНМАДИ?

***Ҳаёт қизиқ экан, шундай оналар ҳам борки, ҳар бир фарзандини тенг кўриб, бутун меҳрини қуёш каби барчага тенг бўлиб бергиси келади. Айрим оналар эса гоҳида ўғлидан қизини, гоҳида эса қизидан ўғлини ортиқ кўриб, ҳадя қилган меросини ҳам қайтиб олмоқчи бўлади. Асакалик Рисолатхон Хўжаева ҳам шундай йўл тутди. У ўғли Одилжон Қодировга 1976 йил 9 сентябрда ўзининг номида бўлган Асака шаҳар, Мадумаров кўчасидаги 13-уйнинг ярмини ҳадя қилиб берган, бу ҳақда ҳадя шартномаси ҳам тузилиб нотариал тартибда тасдиқланган эди. Одилжон шу уйда ҳозиргача бола-чақаси билан яшаб келаётган эди. Ҳадя шартномасига кўра, Одилжон Қодиров уйнинг шу ярим қисмига эга сифатида Асака шаҳар техник инвентарлаш бюроси (БТИ) томонидан 230-рақам билан давлат рўйхатидан ҳам ўтказилди.***

Орадан йиллар ўтиб, онаболанинг орасидан қора мушук ўтдими, бирор-бир сабаб бўлиб, кўнгли қолдими, Рисолатхон ая уйнинг ўғлига ҳадя қилган қисмини яна қайтариб олиш ҳаракатига тушиб қолди.

Она бу ҳақда сўраганларга ўйлаб-нетмай шундай дер эди:

— Ўғлим кейинги пайтда ҳовлининг менга тегишли қисмига ҳам эгалик қилмоқчи бўляпти. Ҳатто қизим билан мени уйга ҳам киритмай, бу ерда яшашимизга тўсқинлик қиляпти...

Она бунга қаноат қилмай, ўғлининг бундай хатти-ҳаракатлари юзасидан ички ишлар бўлими ходимларига мурожаат қилганини, улар томонидан ўғли маъмурий жазога тортилганини ҳам гап орасида қистириб ўтарди.

Эл-юрт ҳайрон. Она ҳақми ёки ўғил?! Ҳеч ким бу низонинг ичида ҳам, ташида ҳам бўлмаган, шунинг учун ҳеч ким ҳеч нимани тушунмасди.

Охир-оқибат Рисолатхон ая ўзининг ўғлига нисбатан даъволарини қоғозга тушириб, ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга ариза берди. Нима ҳам дердик, бу унинг ҳуқуқи.

Суд ушбу низони чуқур ўрганиб, онанинг даъволарини асоссиз деб топди. Чунки ҳадя шартномаси қонун асосида тўғри тузилган. Одилжон ўзига тегишли уйга эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Афсуски, онахоннинг қолган даъволари пуч эди. У даъвогар сифатида судлов ҳайъати мажлисига ички ишлар бўлими томонидан жавобгар ўғли Одилжон Қодировнинг маъмурий жавобгарликка тортилганини тасдиқловчи бирорта ҳужжат тақдим қилолмади. Иш ҳужжатларида ҳам бу ҳолатни тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат, далил мавжуд эмас. Фуқаролик процессуал кодекснинг 57-моддаси талабига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Ана шундай қонуний асосларга кўра, биринчи инстанция суди онахоннинг даъвосини рад этди. Бундан қониқмаган Рисолатхон ая энди вилоят судига апелляция шикояти келтирди. Вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати биринчи суд инстанциясининг даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди, ҳадя шартномаси бекор қилинмади. Қонун ўғилни ҳимоя қилди. Йўқса, у бола-чақаси билан кўчада қоларди.

Албатта, бу воқеани баён қилишдан мақсад кимнидир оқ, кимнидир қора дейиш эмас, балки ҳаётда онда-сонда рўй берадиган низоли воқеаларга қонуннинг муносабатини кўрсатишдир.

Хўш, қандай ҳолларда ҳадя шартномаси бекор қилиниши мумкин?

Фуқаролик кодексининг 507-моддасига кўра, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлигига қарши атай жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади. Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя бекор этилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йили ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Ҳадя шартномаларининг тасдиқлаш давлат нотариал идоралари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга оширилади.

**Ҳаётхон МАМТАЛИЕВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Мўътабар қадамжолар бўйлаб...

# ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

***Яқин ўтмишда қаровсиз қолган кўпдан-кўп қадамжолар истиқлол даврида обод этилди, улар бугун халқимизнинг энг мўътабар зиёратгоҳларига айланди.***

***Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Юсуф Ҳамадоний, Занги ота, Қосим Шайх каби қатор ёдгорлик мажмуалари бугун ниёзмандлар учун ғоят азиз бўлган маърифий масканлардир.***

***Юртбошимизнинг ташаббуси билан обод этилган ушбу қадамжолар орасида, айниқса, “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳи алоҳида ажралиб туради.***

***Зеро, бу тарихий обида Ватан озодлиги, халқ эркинлиги йўлида ўз ҳаётини фидо этган улуғ сиймоларнинг, шу билан бирга, қатағон туфайли боши кулфатдан чиқмай ўтиб кетган минг-минглаб ноҳақлик қурбонларининг унутилмас хотирасига бағишлангандир.***



**“Шаҳидлар хотираси”** мажмуи мамлакатимиздаги мўътабар зиёратгоҳлардан биридир. Президент Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида барпо этилган бу сўлим маскан ҳар куни юзлаб ҳамшаҳарларимиз сайр этадиган, шу билан бирга, **“Қатағон қурбонлари хотираси”** музейини зиёрат этиш учун талаба ёшлар ва ўқувчилар узлуксиз ташриф буюрадиган қутлуғ бир жойга айланди.

14, 2 гектарни ташкил этадиган ушбу зиёратгоҳни янада хушманзара маърифий масканга айлантириш мақсадида пойтахт Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан шу йилнинг баҳорида 984 та игна биргли дарахтлар, 1820 та манзарали дарахтлар, 85 мингдан зиёд турли хил гуллар экилди ва улар мунтазам парвариш этилмоқда. Фавворалардан ташқари янги ўриндиқлар, 185 та плафонли ёритгич, 920 та қимматбаҳо сув пуркагачлар мажмуага файз бағишлаб турибди.

**“Шаҳидлар хотираси”** жамғармаси раиси Наим Каримовнинг ҳикоя қилишича, биргина ўтган ойнинг ўзида **“Қатағон қурбонлари хотираси”** музейини зиёрат қилиш учун Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент тиббиёт институти, Миллий рассомлик ва дизайн институти, Шарқшунослик институти, Миллий университет, Фармацевтика институти, Иқтисодиёт университети ва Юридик институтларнинг 815 нафар, 11 та коллежнинг 334 нафар талабаси, 13 та мактаб ва лицейнинг 500 нафар ўқувчиси, шунингдек, 356 нафар чет эллик ва маҳаллий зиёратчилар келишган.

Зиёратчиларга ва талаба ёшларга музейнинг малакали мутахассислари ўзбек, инглиз ва рус тилларида қатағон даврига доир қимматли маълумотлар бериб бориши изчил йўлга қўйилган.

2002 йилдан буён Мустақиллик байрами олдидан 31 август куни Қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш маросими ўтиши мамлакатимизда хайрли анъанага айланди. Бу маросим Мустақиллик айёмига ўзига хос мукаммаллик бағишлаб турибди, десак, хато бўлмайди. Чунки биз бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Millatning joni

# ОРИ БАЛАНД ОДАМЛАР

***Халқимиз ғурур, ор-номус сингари фазилатларни азалдан улуғлаб келган. Чунки ушбу тушунчалар инсон умрининг зийнатдир. Ор-номус, ғурур учун жонини фидо қилган кишилар ҳақида тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шаън ва қадр-қиммат тушунчалари инсон ҳаётининг маънавий устунлари ҳисоблангани боис улар билан боғлиқ ҳар бир масала ҳамма замонларда долзарб аҳамият касб этган.***

Халқимиз ҳамиша ғурурини баланд тутган, шу мақсадда курашган юртдошларимиз жуда кўп.

Шулардан бири қашқадарёлик машҳур полвон Абдуқодир Пирматовдир.

У бундан анча йил муқаддам Тверда кечган норасмий, аммо ўта оғир беллашувни шундай ҳикоя қилиб берган эди:

— Дунёда бундай кураш беллашуви камдан-кам ўтказилади. Кўп полвонлар учун бундай мусобақа бош совринини ютиш эмас, балки унда қатнашиш ҳам катта гап. Ўртага қўйилган бош соврин бор-йўғи маҳаллий халқнинг миллий кийими- бурка ва унинг устидан тақиб юриладиган қилич. Шуни ютган одам миллий қаҳрамон, тенгсиз полвон сифатида тоабад тан олинади.Ҳозир ўзим ҳам аниқ-тиниқ тушунтириб беролмайман, бироқ шу беллашувда қатнашишга аҳд қилдим. Учтўртта дўстларим билан айтилган манзилга етиб келиб, меҳмонхонага жойлашдик. Кечки пайт тамадди қилиш учун ошхонага тушдик.

— Сизлар узоқдан келгансизлар шекилли, – дея сал-пал ўсмоқчилаб сўради ошхонадаги хизматчи қизлардан бири.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Jahon tajribasi

# ГЕРМАНИЯДА СУДЬЯЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

***Аввало шуни таъкидлаш жоизки, немис ҳуқуқшунослари учун 1973 йилдан буён Триер шаҳрида фаолият олиб бораётган Германия суд академияси ҳамда 1993 йилда ташкил этилган Вустрау шаҳар таълим марказида ўз малакаларини ошириш учун кенг имкониятлар яратилган. Академиянинг фаолияти тенг миқдорда федерал ҳукумат ва ҳудудий ҳокимиятлар томонидан молияланади. Ана шу икки марказда йилига 150 дан ортиқ турли ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилади. Бундан кўзланган мақсад замонавий услубларни қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш ҳамда бутун мамлакат судья ва прокурорлари учун ўз соҳаларининг муаммолари хусусида фикр алмашишларига имконият яратиб беришдан иборат.***

Таълимнинг мазмунини Академия кенгаши белгилайди. Кенгашга Федерал Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий вакиллари киради. Таълим дастури конференцияда овоз бериш орқали (ҳар бир ҳудуд ва федерация бир овозга эга) тасдиқланади. Дастурнинг амалга оширилиши Академия директори кўмагида суд тизими маъмуриятига юклатилади.

Дастур мазмунан учга бўлинади: биринчидан, унинг 50 фоизи ҳуқуқ соҳасига бағишланади. Бунда мисол учун айтсак, **“Болалар ва оила ҳуқуқи”** каби мавзу олинади ҳамда шунга тегишли Олий суд томонидан кўрилган мураккаб ишлар ўрганилади, қонунчиликдаги янги ўзгаришлар ва уларни келтириб чиқарган сабаблар таҳлил қилинади. Иккинчидан, дастурнинг яна 25 фоизи фанлараро хусусиятга эга бўлиб, унда сиёсатшунослик, тарих, криминология ва бошқа фанларга ҳам тўхтаб ўтилади. Масалан, **“Тиббиёт ва ҳуқуқ”** каби мавзу танланиши, унда шифокорларнинг масъулияти, сўнгги эришилган ютуқлар ҳамда унинг ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилиши мумкин. Учинчидан, дастурнинг қолган 25 фоизи психология, риторика, замонавий технология ва социологияга бағишланади.

Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқни ўрганишни ривожлантириш учун чет тилини ўрганиш дастурга мажбурий предмет сифатида киритилган ва унинг якунига кўра, махсус сертификатлар берилади. Айтиш мумкинки, таълимнинг мақсади ҳуқуқшуносларни жамият, илм-фан ва халқаро муносабатлардаги муаммо ёхуд янгиликлардан хабардор этиб туриш, уларни ўзгариб бораётган давр талабларига жавоб бера олишга мослаштиришдан иборат.



Германияда қирқдан ортиқ юридик факультетлар мавжуд бўлиб, уларда бериладиган таълим назарий хусусиятга эга ҳамда асосан қонунларни мукаммал ўрганишга катта эътибор берилади. Бу ўртача тўрт ярим-беш йил давом этади. Ҳуқуқ бўйича биринчи давлат имтиҳонлари барча учун мажбурий бўлиб, унда талабаларнинг чорак қисми қайтадан омадларини синаб кўришга мажбур бўлишади. Муваффақиятли ўтганларнинг қарийб барчаси стажер сифатида иш ўрганишга киришади. Бу босқич индивидуал асосда адлия вазирлиги томонидан икки йилгача ташкил этилади. Бу босқичда ҳуқуқшунослар фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар (ёки прокуратура), адвокатлик фирмалари, ҳокимиятнинг маъмурий ёки бирор-бир бошқа идорада ўз танловларига кўра, амалий тажриба орттиради ҳамда бюджетдан ойлик маош олади. Ёш ҳуқуқшунослар ўз касбларининг энг муҳим томонларини одатда ана шу босқичда мустаҳкам эгаллаб олади. Улар бу жараёнда процессуал ҳуқуқ билан яқиндан танишади ва уларнинг бу билими айниқса, иккинчи давлат имтиҳонида қаттиқ текширилади. Иккинчи давлат имтиҳонида бирор-бир ишнинг материаллари асосида суд қарори лойиҳаси ёки айблов далолатномасини тузиш қобилияти ёзма имтиҳон орқали синалади. Оғзаки имтиҳонда эса ўрганилган иш материаллари асосида амалий саволларга эътибор қаратилади. Иккинчи имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга **“Судьялик лавозимини эгаллаш малакаси”** берилади.

Судья-стажернинг мақоми судьяники билан тенг бўлиб, у судьянинг барча ваколатларига эга. Шунингдек, у қарор қабул қилишда ҳам мустақилдир. Шуни айтиш ўринлики, давлат имтиҳонидан ўтишнинг ўзи судьялик учун етарли бўлавермайди. Бунинг учун ижтимоий зиддиятларнинг илдизларини тўғри топиш иқтидори, мулоқот ва музокара олиб бориш маданияти сингари кўплаб қобилиятлар талаб қилинади. Бунда минтақавий суд раисининг стажер судьянинг ишига берадиган баҳоси муҳим мезон бўлади. **«Суд тўғрисида»**ги қонуни”га асосан, судьялар қайси даражадаги судда ишлашларига қараб федерал ёки ҳуд удларга қарашли давлат хизматчилари ҳисобланади. Улар суд девонхонасидаги маъмурий бошқарув, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ҳамда юридик олий ўқув юрти талабаларидан имтиҳон олишдан бошқа иш билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ҳудудларнинг адлия вазирликлари томонидан ҳар йили судья ва прокурорлар учун йигирмадан ортиқ малака ошириш курслари ташкил этилади. Бир умрга тайинланган судьялар малака ошириш вақтини танлашда эркинликка эгадир. Бир ҳафтадан бир ойгача давом этиши мумкин бўлган бу каби дастурларда адвокатлар, нотариуслар ҳам иштирок этиши мумкин. Судьялар ва прокурорлар эса, одатда ҳар уч йилда бепул иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Германияда ҳуқуқшунослар тайёрлашнинг сифатини янги поғонага кўтаришда таълим олиш ва малака оширишни ёш мутахассислар эҳтиёжларига асосланган ҳолда тузиш, кенг дунёқараш ва билимга эга кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий технологиялар асосида муттасил такомиллаштириб бориш, бу жараённи умумевропа юридик таълими томон интеграциялаштириш кабилар киради.

**Ойбек ҲАКИМОВ**

Jinoyat va jazo

# СОПСИЗ ПИЧОҚ

***Аслида йўқнинг наслида ҳам бўлмайди. Жуманиёз болалигидан қўпол хулқли бўлиб ўсди. Ёши йигирмадан ошиб, жиноят йўлига кирди. Яна денг бегонанинг эмас, ўз ҳовлисидаги бузоқли сигирни ўғирлаб бозорда пуллади. Сал ўтмай, яна икки бош сигирнинг қораси ўчди. Кейин қўшнилари товуқ ўғриси дастидан дод деди. Оқибатда оилада келишмовчилик, низо туғилди. Оқибатсиз ўғил суд томонидан қамоқ жазосига ҳукм этилди.***

Афсуски, суд ҳукми ҳам Жуманиёзга сабоқ бўлолмади. Қамоқдан қайтган Жуманиёз яна ўша эгри йўлни танлади. Эгнидаги кийимларигача сотиб, тўпланган пулини ичиш-чекишга сарфлади. Орадан кўп ўтмай суднинг қора курсига ўтирди. Эл-юртнинг гина-қудратию ноқобил фарзанднинг жиноий қилмишлари она қаддини букди. Кўзи очиқлигида бирорта келин кўриш илинжида бўлган Туймагул момо ночор кичик ўғли Ойбекни уйлантириш тараддудига тушди.

Тўй хабари Жуманиёзга оғир бот. Оилавий уриш-жанжаллар зўрайди. Нафсониятига эрк берган Жуманиёз 2003 йилнинг декабрида ўзи улғайган хонадондан бош олиб чиқиб кетди. Бўсаға ҳатлаб, кўчага отланаркан, Ойбекка ўдағайлади:

— Акангдан олдин уйланиб олдингми, мишиқи?! Шошмай тур, кўрамиз. Бутун оиланг билан йўқ қилиб юбормасам, юрган эканман!..

Қишнинг суронли, қорқировли кунлари орқада қолди. Ўзга хонадонда яшаб келаётган Жуманиёз 2004 йилнинг 31 мартидан 1 апрелига ўтар кечаси укаси Ойбекнинг уйи томон йўл олди. Тун қоронғулигида дераза орқали ўғринча ичкарига ўтиб, кўрпатўшаклар йиғиб қўйилган шинам хонага ўт қўйиб юборди. Укаси ва бутун оила аъзолари бу машъум фожиадан йиғлади-сиқтади. Аммо улар бу кўргулик ҳали рўй беражак даҳшатли воқеалар олдида ҳолва эканини билишмасди...

... Жуманиёз ўз қабиҳ ниятини амалга оширишга киришди. Шу мақсадда деҳқон бозорига ўтиб, нон ва бир шишаароқ сотиб олди. Майнинг ўрталари эмасми, ҳаво ёқимли, майин еллар юзни оҳиста силаб ўтади. Биргина Жуманиёз буларга фарқсиз эди, унинг фикр-зикри укасидан ўч олиш ўти билан банд эди. У шу хаёл билан Амударё қирғоғи томон одимлади. Пишқириб оққан дарё сувига бир қур назар солди. Оёғи тагидаги муштдек тошни зарб билан тепиб юборди. Тош шалоп этиб сувга тушди-да, чўкиб кетди. Жуманиёз сув лабига секин чўккалади-да, ароқни қўлига олди. Сўнгра шишани даст кўтариб, заҳри қотилни қулт-қулт юта бошлади. Дарё сувида ивиган нонни газак қилди. Шу бўйи анча ўтириб қолди. Кайфи зўридан бир ёнига оғиб кетди.

Бир маҳал кўзини очиб қараса, атрофни қоронғулик босибди. Бир қўлини ерга тираб, ўрнидан турди. Ўнгга-сўлга қийшайиб, олдинга йўналди. Тарвақайлаб кетган бир туп юлғун олдига етгач, тўхтади-да, ўтириб олиб, юлғун шохларини у ён-бу ёнга сура бошлади. Ниҳоят, илгари ўзи бекитиб қўйган сопсиз пичоғини қўлига олди. Кир босган дастрўмолини чўнтагидан чиқариб, пичоқ сопига ўради. Кейин ўрнидан қўзғалиб, уйи сари кетди.

Бино, теварак-атроф ҳаммаси таниш... Жуманиёз дастлаб уй ичкарисига дераза орқали киришни мўлжаллади. Лекин уйдагиларнинг тарақ-туруқ овоздан уйғониб кетишидан хавфсираб, фикридан қайтди. Ҳовли атрофини айланиб паншаха топди. Уйнинг ғарб томонига ўтди-да, қулай жойни белгилаб, паншаха ёрдамида пойдевор тагини ковлашга киришди. Мана, тешикча ҳам тайёр бўлди. Жуманиёз паншахани судраб, ичкарига бош суқди...

Коридорга ўтиши билан кўзи укаси Ойбекнинг икки яшар ўғли Жамшидга тушди. Жуманиёз болакайга паншаха ўқталди. Бола бу ҳамладан қўрқиб додлади. Онаси Нафиса ўғли чинқириғидан йўлакка отилди. Талвасага тушган Жуманиёз унга ҳам паншаха ўқталди. Паншаха зарбидан Нафиса тан жароҳати олди.

Шу пайт ҳовлиққанча, Ойбек пайдо бўлди. Кўзига қон тўлган Жуманиёз энди унга ташланди. Ойбек чаққонлик билан паншахани акаси қўлидан тортиб олди. Жуманиёз шиддат билан белидаги сопсиз пичоққа ёпишди. Бир қўли билан эса укасининг ўнг елкасига паншахани санчди. Ойбек ҳолсизланиб йиқилди. Йиқила туриб, Жуманиёзга зорланди:

— Акажон, мен сизга нима ёмонлик қилдим?! Тегманг, илтимос...

Бу пайтда Жуманиёз ўзининг одамийлик қиёфасини йўқотиб бўлган эди. Ойбекнинг илтижоли сўзларига қулоқ тутиш ўрнига яна пичоқни ишга солди. Туғишган укасининг кўкрак қафаси, дуч келган жойларига устма-уст тиғ ура кетди. Ойбекнинг унсиз қолганини кўриб, ўрнидан қўзғалди. Ташқарига йўналаркан, бирдан миясига ёвуз фикр келди: “Ўлмаган бўлса-чи?” Шундай қабиҳ ўйда орқасига қайтди ва жигаргўшаси кўкрагига яна қайта тиғ ура бошлади...

Суд-тиббий экспертиза текшируви марҳум танасига йигирма бешта пичоқ санчилганлигини аниқлади. Яқинда жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати мазкур жиноятини кўриб чиқди ва фуқаро Жуманиёз Эгамбердиевни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Сопсиз пичоқ қўлни кесади, танага озор етказади. Ўғирликни касб қилган, инсонийлик қиёфасини унутиб, ўз жигаргўшасининг умрига зомин бўлган Жуманиёз Эгамбердиев каби ёвуз, тошбағир кимсаларнинг сопсиз пичоқдан нима фарқи бор?..

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Мўътабар қадамжолар бўйлаб...

# ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

*(Давоми. Боши учинчи бетда.)*

Ватан озодлиги йўлида кўпдан-кўп қурбонлар берилган.

Қатағон қурбонлари хотираси музейи шу ҳақда ҳикоя қилади. Ундаги кўргазмалар мавзу нуқтаи назаридан чор Россияси давридаги қатағонлардан токи "ўзбеклар иши", "пахта иши"гача бўлган зулмларни тўлиқ қамраб олган.

Агар сиз музейнинг "Эсдаликлар китоби"ни варақласангиз, ўзига хос ва бетакрор таассуротлар қуршовида қоласиз.

***"Бу музей энг мўътабар жойда барпо этилган,*** – деб ёзади Жаҳон тиллари университети талабаси Саодат Жабборова. — ***Жуда кўп тарихий манбаларда Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби унутилмас сиймолар худди мана шу ерда, Алвасти кўприк деган жойда отиб ташланганини қайд этилган. Музейдаги бебаҳо экспонатлар эса, мана шу тасаввурларга янада ойдинлик киритади.***

***Мен бу музей йилдан-йилга бойиб боришига ва халқимизнинг энг таъсирли маърифат улашадиган масканига айланишига ишонаман. Чунки қатағон воқеалари ватанимиз тарихининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу тарих кишилик тарихидаги ёвузлик ва қабоҳатларни ёдга солиб, маънавий-руҳий покланишга ижобий таъсир кўрсатади".***

Дарҳақиқат, бу музей тафаккуримизга сингдирилган нотўғри тушунчаларни тозалайди, ўтмишга бўлган муносабатимизга равшанлик бағишлайди.

Агар сиз бугун музей экспонатлари билан яқиндан танишсангиз, у истибдод даврида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган ватандошларимиз хотирасига муносиб ёдгорлик бўлганига ишонч ҳосил қиласиз.

1937-1953 йиллар давомида Ўзбекистон бўйича 100 минг киши ноҳақ ва асоссиз равишда қатағон этилган бўлиб, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланган.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган барча миллат ва элат вакиллари бор эди.

Мустабид ҳукмдорларнинг ва золим тузумнинг шафқатсизлиги туфайли Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту, Усмон Носир каби миллатпарвар, маърифатпарвар сиймолар ҳаёти хазон этилгани аччиқ ҳақиқатдир.

Шу йил, истиқлол байрами арафасида, давлатимиз раҳбари, бу улуғ зотлар ўз вақтида Ватан озодлиги, халқнинг бирдамлиги ва маърифий уйғоқлиги йўлида мислсиз фидойилик кўрсатганини таъкидлаб, улар ҳамиша ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат намунаси бўлишини уқтирди ва мазкур зиёратгоҳда маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига мумтоз бир ёдгорлик ўрнатиш ғоясини илгари сурди.

Зеро, бу — халқимизнинг дилидаги тилакдир.

Шу маънода, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ёзган қуйидаги фикрлар, айниқса, қимматлидир.

***"Шаҳидлар хотираси хиёбони, бу сўлим маскандаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи Ўзбекистонимизда кейинги даврда бунёд этилган тарихий обидаларнинг энг яхшиларидандир,*** – деб ёзади атоқли адиб. — ***Ватан озодлиги учун ўз жонларини қурбон қилган улуғ аждодларимиз фидойилиги ҳаммамиз учун ибрат манбаидир!***

***Миллатнинг фахри ва ифтихори бўлган бу унутилмас зотлар руҳи ҳамиша шод бўлсин!"***

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда зиёратгоҳга хорижий олимлар ва қатағон даври тарихи билан шуғулланаётган чет эллик тадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳам мунтазам равишда келиб туради.

2003 йилнинг 27 ноябрида музейга ташриф буюрган москвалик академик Г. Радлов ***"Эсдаликлар китоби"***га қуйидаги фикрларни ёзиб қолдирган: ***"Қатағон қурбонлари музейини айланиб кўриб, тоталитар тузум даврида содир этилган ваҳшийликлар ифодасидан даҳшатга тушдим.***

***Бу — биз учун яқин тарихдир. Агар ўз вақтида одамлар шўро тузуми туфайли шундай балолар бошига тушишини билганида, қараб турармиди?***

***Шу маънода, музейдаги материаллар ўша давр ҳақида чуқур тушунча беради ва халқларни эзгуликни ҳимоя этишга, бирлашишга ундайди. Айниқса, "Таҳликали йилларда" китобидаги маълумотлар кишига қаттиқ таъсир қилади.***

***Ҳа, бундай музейлар беқиёс тарбиявий аҳамиятга моликдир. Аввало, бу шунинг учун кераккки, тарих олдида, у рўпара қилган фожиалар олдида барчамиз тақдирдошмиз.***

***Инсонни бундай офатлардан асрашнинг бирдан-бир йўли - қайта-қайта тарихга мурожаат этиш, ўтмиш сабоқлари ва даҳшатли йўқотишларни таҳлил этиш асосида ёш авлодга ҳаёт ҳақиқатини очиб беришдан иборат.***

***Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг ёш авлоди ҳаётида бу музей муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.***

***Зеро, қонли ўтмишимизни, беқиёс йўқотишларни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!"***

Қоҳира университети доктори Ашраф Даъдур эса, бу хайрли ишлар мустақиллигимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат этишини қайд этган.

Дарҳақиқат, хотира уйғонса гўзал. Бунинг маъноси шуки, ўтганларнинг, айниқса, элим, юртим деб истиқлол роҳатини кўрмай ўтган миллатпарвар зотларнинг хотираси қадрланиши ҳар томонлама савоб ва хайрли ишдир.

Хотира эъзозланса, у юракларда яшайди ва тирик бир тарбиявий манбага айланади...

**Дилфуза ҲОТАМОВА**

Taqdir tarixi

***Шу пайтгача дунёнинг жамики олиму уламолари "Одамзод нима учун яшайди?" деган савол устида жиддий бош қотириб келмоқдалар. Ҳали бу саволга қониқарли даражада жавоб топилмасдан бурун иккинчи жумбоқ пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситалари, афсунгарлар, шифокорлару тадқиқотчилар ушбу сирли жумбоқ ва унинг ҳақиқатдан ҳам, мавжудлиги борасида антиқа хабарлар тарқатмоқда. Бу жумбоқ ўлган одамнинг орадан йиллар, асрлар, даврлар ўтиши билан қайта туғилиши эҳтимоллиги масаласидир. Бас, шундай экан, иккинчи ҳаёт одамзодга нима учун бериладди, қайта туғилиш бахтми ва ёки жазо, деган савол ҳаммани қизиқтириши табиий.***

# ҚАЙТА ТУҒИЛИШ БАХТМИ, ЖАЗО?

2003 йилнинг ёзида Ҳиндистонда чоп этиладиган "Трибуна" газетасида тадқиқотчи криминалист Викрам Чауханaнинг ниҳоятда таажжубли ҳамда ваҳимали илмий-оммабоп мақоласи чоп этилди. Чаухана ушбу чиқишида яқингинада дунёга келган гўдакнинг бундан бир неча муддат олдин ҳам туғилганини ва у ўзининг биринчи ҳаётини Ҳиндистоннинг Чакчела қишлоғида ўтказганлигини исботлашга уринган. Тадқиқотчи криминалистнинг ишончли амалий синов ҳамда машғулотлари ҳуқуқ фани мутахассисларининг конференциясида ҳаммани ҳайратга солишга муваффақ бўлди. Жумладан, унда шундай дейилади:

"2002 йилнинг бошида Таранжит исмли бола ўзининг ота-онасини кутилмаган хислатлари билан ҳайрон қолдиради. У илгари ҳам биз яшаётган оламда яшаб ўтганлиги яхши эслашини айтиб ўтади.

— Мен биринчи бор Чакчела қишлоғида туғилганман, исмим Сатнам Сингх эди. Отамнинг исми эса Жиит Сингх бўлган. Қишлоқ мактабида ўқиганман. 1992 йил 11 сентябр куни велосипедда кетаётган эдим. Йўлимда мотоцикл пайдо бўлди ва мени уриб юборди, – дейди қайта туғилган бола.

Тадқиқотчи криминалист Чауханaнинг ёзишича, Сатнам Сингх шу заҳотиёқ шифохонага ётқизилади ва орадан бир кун ўтиб жони узилади. Унинг бу ёруғ оламда иккинчи бор туғилишига сабабчи бўлган отаси ўғлининг илгари ҳам яшаб ўтганлиги тўғрисидаги гап-сўзларидан сўнг тилга олинган қишлоқни излаб топади ва кекса бир ўқитувчи билан танишади. Ўқитувчи берган маълумотларга қараганда, ҳақиқатдан ҳам, у раҳбарлик қилган синф ўқувчилари орасида Сатнам исмли бола бўлган. Отасининг исми Жиит деб аталган. Бу хабардан бутунлай карахт бўлиб қолган меҳмон (иккинчи ота) Сатнамнинг отасини излаб топади. Ўзаро суҳбатда 6 ёшли ўғлининг баъзи бир хислатларини сўзлаб беради. Биринчи ҳаётлиги даврида мотоцикл уриб юборгандан сўнг китоб-дафтарлари қип-қизил қонга бўялганини алоҳида такрорлайди. Ҳамёнида 30 рупия бўлгани тўғрисидаги ҳикоясини ҳам эслатади ва бу масаланинг тўғри ёки нотўғрилигини суриштиради. Жиит кутилмаганда ноодатий масала билан келган меҳмонни уйига томон бошлайди ва ораста кийинган, хушрўйгина рафиқаси билан таништиради. Бу аёл бўлиб ўтаётган воқеаларни эшитиб йиғлаб юборади ва ўзининг Сатнам Сингх исмли ўғли бўлганини ва у транспорт тўқнашуви туфайли оламдан ўтганини оқизмай-томизмай айта бошлайди. Далил сифатида ўғлининг ҳалокат туфайли қонга бўялган китоб-дафтарларини ҳамда 30 рупия билан ҳамёнини кўрсатади.

Орадан бир неча кун ўтгач, Таранжитнинг биринчи бор туғилган пайтдаги акаси, опаси ва энг яқин дўсти ота-онаси билан бирга Аллуна қишлоғига ташриф буюради. Ва илгари Чакчела қишлоғида ҳам туғилганини бот-бот такрорлаётган болага эскидан қолган суратларни кўрсатади. 6 ёшли бу гўдак суратларни бир кўришдаёқ ҳаммани танийди ва номма-ном айтиб беради. Биринчи ҳаётидаги исм-шарифи Сатнам Сингх бўлганини ҳам яхши эслайди.

Кўп ўтмай бу воқеа бутун Ҳиндистон бўйлаб тарқалади ва ҳамманинг ҳайратига сабаб бўлади. Тадқиқотчи криминалист Викрам Чаухана олиб борган изланишлар ўз самарасини бериб, Аллуна қишлоғида яшаётган Таранжитнинг бу оламда илгари ҳам туғилгани, исм-шарифи Сатнам Сингх бўлганлиги фанда исботланади.

Кузатувлар жараёнида криминалист Викрам Чаухана бирбиридан узоқда ва икки даврда туғилган бу гўдакларнинг ёзувларини текшириб кўради. Натижада уларнинг ёзиш услуби бир хил бўлиб чиқади. Тиббиётчилар ҳамда психологларнинг фикрига қараганда, агарда бир кишининг юраги бошқа бир кишига кўчириб ўтказилса, уларнинг ҳар иккаласида бир-бириникига ўхшаш характер ва ҳаракатлар пайдо бўлади. Айниқса, ёзув-чизув масаласида улар бир хил ҳуснихатга эга бўлишади. Бу фикр криминалист Викрам Чауханaнинг кузатувлари асл ҳақиқат эканлигига одамзодни яна бир бор ишонтиради.

XX асрга келиб фан ва тиббиёт шу даражада ривожландики, гипноз ва бошқа йўллар билан одамзоднинг ўтмиши ва келажаги тўғрисида муайян фикрга эга бўлиши мумкин бўлиб қолди. АҚШда таниқли психотерапевт Лоугле Каннингем фантистик дунёқарашлару асарларнинг устаси, рассом Борис Валеджо руҳиятига гипноз орқали таъсир қилиб, аввалига француз тилида, сўнгра инглиз тилида равон ва бийрон сўзлатганда ҳам дунё лол қолган эди.

... Кунларнинг бирида яна бир америкалик шифокор Ричард Сатфенг ҳузурига патологик касаллик билан қийналаётган аёл киши ташриф буюради. Ричард беморнинг руҳиятига гипноз йўли билан таъсир қилади. Бемор ўзига келгач, қуйидагиларни гапириб беради:

"Аввалига 10 ёшли қизалоққа айланиб қолдим. Тоғларда, ғаройиб кийинган одамлар орасида юрибман. Тез кунлар ичида озиқ-овқатларимиз тугади. Бироз оч юрдик. Оила аъзоларимиз билан бунга чидай олмадик ва бобомизни бирпасда еб қўйдик. Бундай иш қилишимизни бизга бобомизнинг ўзи васият қилди. Бу мудҳишлик тирик қолишнинг бирдан-бир йўли эди".

Бемор аёлни гипноз қилиш натижасида аниқланган ушбу қўрқинчли ва ваҳимали воқеа 1846 йил ҳақиқатдан ҳам, бўлиб ўтган эди. Ўша пайтда бемор аёлнинг ўтган аждодларидан 77 нафари бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтаётганларида тўрт метр баландликдаги қор кўчкисига дуч келадилар ва тоғда узоқ муддатга қолиб кетишади. Озиқ-овқат захиралари тугагач, ёши улуғларнинг талаб ва истаги билан касалманд ҳамда яшашга қурби қолмаган дўсту ўртоқларининг гўштини еб жон сақлашади. Қисқа муддатда 77 нафар кўчманчилардан 30 нафари қирилиб кетади. Шифокор Ричард Сатфенг бу беморни узоқ муддат синовдан ўтказади ва уни патологик хасталанишига бундан юз йиллар олдин рўй берган очлик воқеаси сабаб бўлган, деган қарорга келади. Бемор аёл ва шифокор Ричард ўртасидаги ушбу тажриба-текширув 1953 йилда бўлиб ўтган эди.

**"Ўтган ҳаётим — келажагим"** асарининг муаллифи, шифокор-руҳшунос Брюс Гольдбергнинг йиллар давомида турли кайфиятдаги одамлар устида ўтказган минглаб тадқиқот-тажрибалари ҳам ҳаётда ўлиш ва қайта туғилиш воқеаси тез-тез такрорланиб туришини тиббиёт нуқтаи назаридан исботлаган.

— Навбатдаги қабул куним эди, – дея ҳикоя қилади шифокор Брюс. — Даволанаётган беморларимдан бири баландликдан даҳшатга тушишини ва бу қўрқувдан халос этишини илтижо қилиб сўради. Гипноз воситасида беморнинг ҳаётини орқага қайтаришга эришдим. Бу бемор бундан бир неча йил илгари Швейцарияда ўғил бола бўлиб туғилган ва уч ёшида иккинчи қават деразасидан пастга қулаб, оламдан ўтган. У иккинчи туғилишида эса қиз бола бўлиб дунёга келганлиги аён бўлди...

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор, деган гапни тез-тез тилга олишимиз ҳам эҳтимол ўлиш ва қайта туғилиш ҳодисасини инкор этмаслигимиздан дарак берар. Руҳни тоза тут, бардам юрасан деймиз. Боз устига оламни, ҳаётни иккига бўлиб ўрганамиз: бириси фоний, иккинчиси боқий олам деймиз. Буларнинг ҳаммаси одамзод қандайдир мақсад билан эмас, балки сир-синоат билан оламга келиб-кетишини англатмасмикан?..

Мана шу воқеалардан, ҳодиса ва натижалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, одамзод ҳаётининг ҳали ўрганилмаган, кашф қилинмаган қирралари жуда кўп. Биз нафақат табиат ҳодисаларини, балки ўз-ўзимизнинг кимлигимизни, нималарга қодирлигимизни ҳам англолмай ўтамизми бу дунёдан, деган фикрлар домига тортади кишини баъзан. Шундай пайтлар хаёлга бевосита қуйидаги ривоят келади:

Суқротдан сўрабдилар:

— Шунча ўқиб нимани билдингиз?

Суқрот жавоб берибди:

— Шунча ўқиб ҳеч нарса билмаслигимни билдим.

Хуллас, шундай ҳодисалар, мисол ва тажрибалардан сўнг ўтмиш ва бугун, одамзод ва илм-фан хусусида ҳар кимнинг ўзи хулоса чиқаргани маъқул.

**Хорижий матбуот маълумотлари асосида Шоҳжаҳон ҚОДИРОВ тайёрлади.**

Mitti maslahat

# ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

Оила кодексининг 207-моддасида туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзувларига боланинг ота-онасини қайд этиш тартиблари баён этилган. Жумладан, ўзаро никоҳда бўлган ёки бўлмаган, ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлган, она вафот этган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ва бошқа муайян ҳолатларда боланинг ота-онасини қайд этиш қоидалари кўрсатилган.

Яшириб нима қилдик, баъзан ФҲДЁ идоралари иш фаолиятида иймон-эътиқодимизга зид, ҳалоллик риштaларини инкор қилувчи вазиятлар бўйича ҳам мурожаат учраб туради.

Маълумки, бола қонуний никоҳда турган онадан туғилганда, унинг ота-онаси тўғрисидаги битик тўғридан-тўғри ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ гувоҳномаси асосида ёзилади. Афсуски, айрим ҳолларда гарчи бола қонуний никоҳда турган онадан туғилган бўлса-да, она никоҳдаги эри боланинг ҳақиқий отаси эмаслигини кўрсатиб, ёлғиз она сифатида расмийлаштиришни талаб қилиш ҳоллари учрайди. Албатта, бундай ҳолда унинг талаби қонуний никоҳда турган эрнинг ёзма розилиги билангина қаноатлантирилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда она аризасига қонуний никоҳдаги эрни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки қонуний никоҳда турган эр жазони ижро этиш муассасасида бўлгани ва боланинг онаси у билан учрашувга бормагани ҳақида жазони ижро этиш муассасасининг маълумотномаси илова қилиниши мумкин.

Кези келганда яна бир мулоҳазани таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, никоҳдан ўтиш пайтида эрининг фамилиясини қабул қилган баъзи бир аёллар ўз паспортини алмаштиришга негадир бепарво бўлишади. Бу эса ўз навбатида ФҲДЁ идораси ходимлари учун бир мунча ноқулайлик келтириб чиқаради. Яъни, бу ҳол туғилган чақалоққа онанинг фамилиясини ёзишда янглишишларга сабаб бўлади. Оила Кодексига берилган шарҳлардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, агар она никоҳдан ўтгач, эрнинг фамилиясини қабул қилган, лекин янги фамилияга паспорт олмаган бўлса, она ҳақида маълумотлар устунида она фамилияси никоҳ гувоҳномасига асосан ёзилади ва далолатнома ёзувининг "белгилар учун" устунига туғилганлик ҳақида маълумотнома онанинг никоҳгача бўлган фамилияси бўйича берилган деб ёзиб қўйилади.

**Мухлиса ПАТТАЕВА**

Millatning joni

# ОРИ БАЛАНД ОДАМЛАР

*(Давоми. Боши учинчи бетда.)*

— Ўзбекистонданмиз, полвонмиз. Эртага катта кураш бўлади. Мукофот — тверликларнинг миллий либоси ва қиличи. Шуни олиб кетгани келдик, – дедим мен ҳам паст кетмай. Қиз кинояли кулди. Кейин "сизга ўхшаган полвонлардан сон-саноқсиз, эҳтиёт бўлинг, бизнинг полвонларимизнинг қони жудаям қайноқ" деди.

Қисқаси, эртаси кун кураш бошланди. Биринчи кун учта рақибимни йиқитдим. Иккинчи кунги мусобақаларда манаман деган энг забардаст полвонлар ҳам навбатма-навбат "қулайверди". Гуржистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Эстония, Афғонистон, Россия, Туркия, Польша, Эрон, Мўғулистондан келган энг кучли номдор полвонлар ҳам тверликларнинг олдида ип эшолмай қолди. Қатнашчиларнинг орасидан мен ва яна бир тверлик полвон уч-тўрт соат ичида тўққизтадан рақибларимизни йиқитиб, финалга етиб келдик.

Бироқ мен жуда ҳолдан тойдим. Икки оёғим ва чап қўлимнинг бармоқлари, суяклари қайрилавериб, эзилиб кетган . Қимир этишга мажолим йўқ. Фақат ўнг қўлим бироз ишончлироқ, жароҳати кам. Биламан, бу қўлимда ҳам биргина ҳамлага етадиган куч бор. Шу ҳамлада рақибимни боссам-босдим. Йўқса, тамом. Бунинг устига рақибимнинг важоҳати, шафқатсизлигини кўриб юрагим яна орқага тортади. Финалгача кураш тушган тўққизта рақибидан бештасининг қўлини, бўйни, оёғини қайириб майиб қилди. Уларни ўртадан кўтариб чиқиб кетганига ўзим гувоҳ бўлдим. Шунчалик аёвсиз курашадики, остида қолган рақибларини атай кўкрагидан босиб, эзғилаб ташлайди. Рости гап, шуларни ўйлаб, бироз чўчидим. "Кел, энди, Қодир полвон, бас қил, жонингни, эртанги кунингни ўйла" дедим ўзимга-ўзим. Дўстларим билан маслаҳатлашдим. Улар ҳам "чиқма, ўзингга ёмон бўлади", дейишди. Бир соатлик танаффусдан фойдаланиб меҳмонхонага кириб ётдим. Беш дақиқа қолганда радиокарнайда мен билан рақибимни даврага таклиф этишди. Ўрнимдан отилиб туриб, эшикни устимдан қулфлаб олдим. Ётдим. Ўн беш-йигирма сониядан сўнг эшик тақиллади. Кейин овоз келди: «Қодир полвон курашга чиқмасдан таслим бўлиб, ўзбекни шармандаи-шармисор, ўзингни хор қилма! Ўзбекнинг ори баланд бўлади. Эртага бу маломатни қандай кўтариб юрасан?!» — деди кимдир...

Бу сўзларни эшитиб, аъзойи баданим титраб кетди,орим тутди. Эшикни қарсиллатиб очдим-у, пастга қараб отилдим. Оломонни ёриб ўтиб, ўртага чиқдим. Ҳакам соғлиғимни сўради. Курашасанми, деди. Ҳа дедим.Хуллас, кураш бошланди. Вазни 130 кило тош босадиган рақибим енгимдан ушлаб, зарб билан ўзига тортди. Пешонаси билан қўлимнинг тирсакдан юқорисига ҳакамга билдирмасдан шундай зарба бердки, бармоқларимда куч қолмади. Осонгина йиқитди-қўйди. Бироқ кутилмаганда даврa олиб ўтирган кекса ишқибозлардан бири сапчиб жойидан турди-да, тверлик рақибимга қараб "Сен ғирромлик қилдинг!"— деди. Сўнг ҳакамларга ҳам эътироз билдирди. Шифокор қўлимни текшириб кўрди. Ҳакам яна курашасанми, деб сўради. Билдимки, ҳалиги одам ишқибоз эмас, баковуллардан бири экан. Унинг эътирозидан сўнг менга яна имконият берилди. Курашаман, дедим.

Бу гал мен сал илгарироқ ҳаракат қилиб, ўнг қўлим билан рақибимнинг белбоғидан маҳкам ушладим. Гоҳ олдинга тортиб, гоҳ ён томонга эндириб, пайт пойлай бошладим. Кейин айёрлик билан ўзимни бўш қўйдим. Бир силтаниб рақибим белбоғини қўлимдан узиб олди ва икки қўллаб белимдан тутиб, кўкрагига сиқди. Жон чиқар ҳолатда, абжирлик билан икки қўллаб белбоғидан юқори кўтардим. Оёқларимга тираниб, сўнгги ҳамла билан полвонни устимдан ошириб ташладим. Оломон бирдан оёққа қалқди.. Қум тиқилган қанорга ўхшаш улкан келбатли рақибимнинг устидан атай думалаб ўтдим. Ўзимни кураш майдони четига ташладим. Қулоғимга атрофдан "Есть", "Есть" деган овозлар элас-элас эшитилади. У ютдими, мен ютдимми — билмайман. Ҳакам иккаламизни яна майдонга чорлади. Кейин у "ғолиб", дея менинг қўлимни кўтарди.

Кейин тақдирлаш маросими бошланди. Полвонлар, ташкилотчилар саф тортди. Қисқагина нутқлардан сўнг ўртага оқ рўмолчага ўралган қилични икки қўлда кўтарганича бир жувон чиқди. Ёши элликлар атрофидаги ниҳоятда ўктам бир киши қилични қабул қилиб олди ва у ҳам икки қўлида боши узра баланд кўтарганча шоҳсупага яқинлашди. Олдин табрик сўз айтди, кейин қилични менга тутқазди. Мен ҳам ҳаяжон ичида аланималардир дедим. Лекин даврада қувонч ва хурсандчиликдан кўра, тушкунлик, сукунат ва оғир кайфият ҳукмрон эди. Кечки пайт зиёфат ташкил этилди. Маҳаллий миллатга мансуб кекса бир киши ёнимга келиб, аста қулоғимга шивирлади: «Ўзбек, сени алдашди улар. Қилич билан бирга эгнингга, бошингга ҳам миллий кийим—бурка бериши лозим эди. Якка қиличнинг ўзини олиб кетсанг, ҳеч ким сени энг зўр полвон сифатида тан олмайди. Сен талаб қилишга ҳақлисан. Твер халқининг нафақат қиличини, балки орини ҳам ютдинг", деб ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Бу гапдан сўнг ичим музлаб кетди. Нима қилишни билмай қолдим. Кейин билсам, ҳалиги киши ҳам ор талашиб мени алдашганини қулоғимга пичирлаб айтган экан.- Кайфиятим бирдан ўзгарди. Бундан бир неча соат илгари эшикни устимдан қулфлаб олиб, курашга чиқишга журъат қилолмай турганимни эслаб, ўзимнинг орим келди. Қилган ишимдан уялдим...



Полвоннинг ушбу олишуви ҳамда бошидан ўтган воқеалар хусусида яна варақ-варақ, саҳифа-саҳифа ҳикоя қилиш мумкин. Бироқ кўп мақтаниш ёки мақташ зўрларнинг қувватини олади, деган гап бор. Шунинг учун ҳам хулосани қисқагина қилиб қўя қолиш айни муддао. Хуллас, Қодир полвон тверликларнинг қиличи билан миллий либосини Ўзбекистонга келтиришга муваффақ бўлган ягона полвон ҳисобланади. Мусобақадан кейинги хайрлашувга унинг бешафқат рақиби ҳам чиқади ва қачон бўлса ҳам Ўзбекистонга келишини, Абдуқодирни топиб, ҳалол курашиб, қилич ва миллий либосини қайтариб олиб кетишни таъкидлайди. Полвонимиз шу гапдан сўнг тверлик рақибини 10 йилдан ортиқ кутди. Бироқ у келавермагач, қилични михга илиб қўйди. Кийимларини эса сандиққа ташлади. Бу ҳам ор талашиш бўлса керак-да...

**Нормурод МУСОМОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

# ТАТИМАГАН БАЙРАМ

СУД ОЧЕРКИ

**I. ХАЙРЛИ БОШЛАНГАН КУН...**

Қалби беғубор орзуларга тўла қизалоқ тонг отиши билан ясан-тусан қилиб олди-да, онасини қистай бошлади:

— Ойижон, янги йилнинг арча байрамига қачон борамиз?

— Байрамга олиб бораман, деб ваъда бердим-ку, жон қизим. Бироз сабр қил, ҳали вақт эрта, – деди ўриндиқда хаёл суриб ўтирган онаси.

Никоҳсиз бўлса-да, 4 йилдан буён бирга яшаётган эри Алексейдан бир ҳафтадан буён дарак йўқлиги Еленани хавотирга солиб қўйганди. Аслида эрининг бундай "гум" бўлиб кетиши биринчи ёки иккинчи марта юз бераётгани йўқ эди. Шу тобда у Алексейнинг ичиб келиб, тўполон кўтаришидан, қизининг кўнгли чил-чил синишидан қўрқарди.

Устма-уст жиринглаган телефон овози Еленани сергаклантирди. Кўнглида "Ишқилиб, бошқа одам қўнғироқ қилаётган бўлсин-да", деб гўшакни қулоғига тутган Елена саломалик ўрнига эрининг болохонадор сўкишини эшитди.

— Сенда зарур гапим бор, мен уйга етиб боргунча бир қадам ҳам жила кўрма, тушундингми? — деди Алексей дўқ аралаш сўкиниб. Унинг ғирт маст эканлиги шундоқ сезилиб турарди.

— Янги йил томошасига чипта олгандим, – деди гуноҳкор оҳангда Елена, — шунга қизимизни олиб бормоқчиман. Соат 12 да бошланади, атиги бир соат қолди.

— Бас қил, – деди Алексей, — янги йилга ҳали 4 кун бор. Икковингга ҳам рухсат йўқ. Айтганимни қилмасанг, ўзингга ёмон бўлади...

Телефон гўшагини жойига қўйган Елена бошини чангаллаганча деворга суяниб қолди.

— Ойи, нима гап, — дея қизи унга суйкалди, — томошага бора қолайлик.

Шунда Елена ўрнидан туриб апил-тапил кийинди-да, қўғирчоқдай ясаниб олган қизини етаклаб йўлга тушди.

Ўзида йўқ хурсанд Александра йўл бўйи тинмай гапириб кетди.

— Янги йилда мен 9 ёшга тўламан... Қорбободан энди уйимизда уруш-жанжал бўлмаслигини сўрайман...

Байрам томошасидан она-бола жуда хурсанд бўлиб чиқишди. Ғам-ташвишлар бироз ёддан чиққандай эди.

Аммо уйга яқинлашган сари эрининг телефонда айтган гаплари эсига тушиб, Еленани қўрқув босди.

— Тўхтанг, бунча тез юрасиз, ойижон, – деди бир пайт Александра. — Қорбобонинг совғасини очиб кўрайлик.

— Кўчада бундай қилиш одобсизлик бўлади, – деди онаси қизига зарда билан. — Уйга борайлик, дадaнг билан бирга очасан.

Уйга кираверишда оёғида базўр турган Алексей хотини ва қизини дағдаға билан кутиб олди. У Еленанинг қўлидан хона калитини тортиб олдида, она-болани сўкинганча ичкарига судради. Кўнгли аллақандай нохушликни сезган Елена эса қизини охирги марта кўраётгандай бағрига маҳкам босиб олди.

**II. ҚОТИЛЛИК**

Хонага қадам қўйишлари ҳамон Алексей хотинини аёвсиз дўппослашга тушди. Калтакка чап бериш учун Елена хоналарни айланиб қочар, дуч келган нарса билан ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қиларди.

Шу орада Алексей қўрққанидан деворга суратдай ёпишиб қолган ўгай қизини судраганча ётоқхонага олиб кириб, эшикни бекитиб қўйди. Йўл-йўлакай у қизчани қўлидан тушиб қолган аллақандай қопчиқни айвон томонга тепиб юборди.

Алексей ёввойи ҳайвондек ўкириб, яна Еленани калтаклай бошлади:

— Сени ҳам, қизингни ҳам ўлдираман. Икковинг ҳам қўшмозор бўласан...

Елена эрининг важоҳатидан бу сафар гаплари жиддий эканини фаҳмлади. У қандай бўлмасин фарзандини қутқариб қолишга қарор қилди. Шунинг учун бўлса керак, энди у устма-уст тушаётган оғир зарбаларни сезмай қўйди. Унинг бутун фикр-зикри норасида фарзандида эди.

Аксига олгандай, ётоқхона эшигини очиб, чиқиб келган Александра Алексей қошида тиз чўкиб, онасини урмасликни илтижо қилиб сўради.

— Ана энди икковингни ҳам ўлдирадиган вақт бўлди, – деди нимагадир Алексей юзи ёришиб. Сўнгра у югуриб бориб ошхонадаги ошпичоқни олиб келиб, она-болага таҳдид солади.

Жонҳолатда эрига шердек ташланган Елена бор овози билан қичқирди:

— Қизим, кўчага қоч, тезроқ қоч!

Бироқ ташқаридаги эшиккача қочиб борган Александранинг йўлини отаси тўсиб қўйди.

— Йўқ, бу уйдан иккалангиз ҳам тирик чиқмайсиз, – деди ароқхўр ота масхараомуз.

Ноилож қолган Елена эрини чалғитиш учун ошхонага қочди. Унинг ҳийласига учиб, қуролланган Алексей ўша томонга юугуриб кетди. Бундан фойдаланган Александра нарироқда ётган қорбобонинг совғасига мунғайиб бир қаради-да, кўчага отилди.

Олишувда чарчаган Алексей ҳарчанд уринмасин пичоқни мўлжалга уролмади. Даҳлизга қочиб чиққан Елена айвон эшиги олдида пичоқни эридан тортиб олиб, унинг кўкрагига зарб билан санчди. Алексей чап кўкрагини чангаллаганча деворга суяниб қолди. У борган сари қизғиш тусга кириб бораётган оёғи остидаги ёстиққа ўхшаш нарсага тикиларкан, қизи кўтариб юрган Қорбобонинг совғасини танииди. Уни қўлига олиш учун энгашди-ю, қайта қаддини тиклашга мажоли етмади.

У орадан 2 соат ўтгач, касалхонада жон таслим қилди.

Jinoyatga jazo muqarrar

**III. МУЛОҲАЗА**

"Қилмиш-қидирмиш", деганларидек, Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирида лаборатория ходими бўлиб ишлайдиган, эндигина 28 ёшни қаршилаган Елена Куликованинг бошига тушган бу савдоларни асло тасодиф деб бўлмайди.

Негаки, турмуш қурмасдан туриб фарзандлик бўлган Елена атрофдагиларни лоқайдлиги туфайли ўз билганидан қолмади.

Кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек, у Алексей Артёмьев билан 2000 йилдан буён эр-хотин бўлиб олганди. Ароқхўрлик ва нашавандлик билан ном чиқарган Алексей ҳеч қаерда ишламасди.

Юз берган бу мудҳиш воқеани қўшнилар "кеч билиб қолдик", дейишди. Лекин улар биринчи қаватдаги бу хонадонда деярли ҳар куни жанжал-тўполон бўлганини баравaрига тасдиқлашди.

Шундай экан, уй бошлиқлари, маҳалла қўмиталари наҳотки бундан бехабар бўлишган?

**IV. ХОТИМА**

Эрталаб бошланган куннинг қандай ниҳояланишини ҳеч ким билолмайди.

Александра ҳам ҳаётидаги энг бахтиёр кунида бирдан етим бўлиб қолди. Бир нарса аниққи, у кўчада қолиб кетмайди. Яна бир ҳақиқат шуки, қизча онаси билан бирга сўнгги бор борган янги йил томошасини ва қорбобонинг совғасини йиллар давомида бот-бот эслаб туради.

Хулоса ўрнида айтсак, сизу биз лоқайд бўлмаганимизда қизча бу йил ҳам онасининг қўлидан етаклаганча кўчаларни тўлдириб янги йил базмига бориши аниқ эди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Лекин сабоқ чиқариши мумкин.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ, "Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6